

Усталар ва иш берувчилар муомаласидаги нозик жиҳатлар

05:00 / 17.02.2017 4680

Уста қиладиган ишининг сифатига, иш берувчи эса керакли ашёлар, иш шароити ва иш ҳақи учун жавоб бериши лозим. Қайси бир томон фирромлик қилса ҳам, иш бузилади, ҳар иккала тараф учун бош оғриғи кўпаяди. Атрофга қаранг, қанчалаб усталар бажариб бўлган ишларига иш ҳақи олишолмай юришибди, неча неча кишиларни усталар алдаб кетишган. Ҳаммаси ҳам ўзини ҳақ деб, нариги тарафни ноҳақ деб гапиришади. Нима бўлганида ҳам, фирромлик қилган тарафдан барака қочади. У то ўзи алдаганларни топиб, рози қилмагунича, ҳаловат, ҳузур деган яхшиликлардан узоқда бўлади.

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло: “Мен қиёмат куни уч тоифанинг хусуматчиси бўлурман: Мен билан аҳд бериб, кейин алдаган одамнинг, ҳурни сотиб, пулини еган одамнинг ва одам ишлатиб, ҳақини бермаган одамнинг,” деди”, деб огоҳлантирдилар”.

Бу каби жанжаллар шунчалик кўпки, ҳатто қўшни давлатларга бориб ишлаганлар ҳам ҳақларини ололмай, қайтиб келишяпти.

Биз суҳбатлашаётган мавзудаги низолар келиб чиқмаслиги учун тавсия этилаётган қуръоний кўрсатманинг моҳияти қисқача мана бундан иборат: уста ва иш берувчи ўртада бўладиган иш жараёни ва унга белгиланадиган иш ҳақи тўғрисида бир холис, одил гувоҳ ҳузурида келишиб олишади; ўша одил инсон шартномани бир неча нусха қоғозга ёзиб, томонларга беради. Ундан кейин иккала тараф иш кўламини ҳар уч кун ёки бир ҳафтада аниқ ўлчаб ё чамалаб кўришгач, бажарилган иш ҳақи тўланиб, ҳисоб китоб икки нусхада ёзилиб кетилаверади. Бу ёзма ахборот иш берувчига ҳам, устага ҳам қулайлик ва аниқлик келтиришидан ташқари, ҳар иккаласини ҳушёрликка чорлаб туради. Жами иш ҳажми тугаб, иш ҳақи тўлиқ тўланиб бўлгач, икки томон бир бири билан розилашади ва ўша одил гувоҳ иштирокида ёзилган қоғозга яна керакли ёзувларни киритишиб, имзо қўйишади.

Қариялардан эшитиб юрадиганимиз: “Яхши ёдида сақлашдан ёмон ёзув яхши” ҳикмати ҳам бежиз айтилмаган. Чунки Ислom таълимоти мустаҳкам имонли аждодларимиз қон қонига сингиб кетган. Улар “Мардикор устанинг ҳақини унинг пешона тери қотмасдан беринг”, деган қоидага амал қилишган. Ислom арконларини, тартиб интизомни қаттиқ ушласак, ўзарo муомалотларимизда ҳеч қачон совуқлик бўлмайди, ҳаловат билан яшаб, ёруғ юз, комил имон билан ўтамыз бу дунёдан!

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ

Тошкент шаҳридаги “Хўжа Аламбардор”

жомеъ масжиди имом хатиби